

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА
ИННОВАЦИЯЛАР**

2-МАХСУС СОН

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И
ПСИХОЛОГИИ**

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК-2

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND
PSYCHOLOGY**

SPECIAL ISSUE-2

**2020 йил - "ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ"**



TOSHKENT-2020

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**
№SI-2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Аскарлов Аббор Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Педагогика йўналиши

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

Педагогика ва психологияда инновациялар журнал таҳририй маслаҳат кенгаши
Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology
Международный редакционный совет журнала Инновации в педагогике и психологии

Урзова Марина Батировна
Педагогика фанлари доктори

Муслимов Нарзулла Алиханович
Педагогика фанлари доктори, профессор

Джороев Мухамматрасул
Педагогика фанлари доктори, профессор

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
Педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
Педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам
Педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
Педагогика фанлари доктори

Тўракулов Олим Холбўтаевич
Педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
Педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
Педагогика фанлари доктори

Саипова Малоҳат Латиповна
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

66. Xolova Muyassar Abdulhakimovna SHEVALAR KORPUSIDA MATNLARNING NUTQIY JANRLAR VA PASPORT METARAZMETKALARI.....	439
67. Xolova Muyassar Abdulhakimovna BOYSUN SHEVASI KORPUSI: IBTIDO (BOYSUN TUMANI “J” LOVCHI SHEVALAR MISOLIDA).....	446
68. Yunusova Nasiba Sharipovna THE ROLE OF MAHALLA IN SPIRITUAL AND MORAL BREEDING OF THE YOUTH.....	451
69. Ганиев Эркин, Абсаломов Толиб, Ахадкулов Анвар, Эргашев Улугбек, Рахматов Алишер РАЗВИТИЯ ОБЩЕЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ НА ОСНОВЕ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ РЕГИОНА.....	455
70. Sobirov Sarvar Tursunmurotovich BOLALAR IJODIY QOBILYATINI RIVOJLANTIRISHDA GRAFIK RASSOMLAR HAYOTI VA IJODIY FAOLIYATINI ORGANISHNING MUHIMLIGI.....	459
71. Яхшиева Зебо Рашидовна, Хамидова Эъзога Обиджоновна ПОЭТИК ЯХЛИТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ПОРТРЕТНИНГ ЎРНИ.....	465
72. Дилдора Назировна Игамова БОЛАЛАРНИНГ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....	470
73. Kattaboyeva Muborak ENHANCING B2 LEVEL LEARNERS’ SPEAKING SKILLS FROM A DISTANCE: MOODLE BASED EXPERIENCE.....	476
74. Хамдамов Усмон Эргашевич БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ВЕБ-КВЕСТ ВОСИТАСИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	481
75. Амонова Ҳикоят Иноятовна, Содикова Сусана Шавкиевна ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ: ОБЪЕКТИВ РЕАЛИК ВА ЮКСАЛИШ САРИ.....	488
76. Нилуфар Шомураговна Ниёзова “КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИНГ ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ.....	494
77. Джумабаева Эъзога Мамаджановна РАЗВИТИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ЛИЧНОСТИ КАК КОМПЛЕКСНАЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА.....	499
78. Лола Рахимовна Муминова, Зухра Мирзабековна Ахмедова НОГИРОНЛИККА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАРДА ОММАВИЙ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ.....	507
79. Казакбаева Махфуза Султановна М.АТАЖАНОВНИНГ ЧОЛҒУ АСАРЛАРИНИ КОНЦЕРТМЕЙСТЕРЛИК МАХОРАТИ СИНФИДА ЎРГАНИШ.....	512
80. Тошпўлатова Шахноза Мўминжоновна ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК.....	517
81. Ахмедова Муяссар Хадиматовна ЖАРГОН СЎЗЛАРИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	522
82. Қодиров Обид Сафарович, ЎСМИРЛАРНИНГ ЖИНОЙИ ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ.....	532

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

83.Куранова Мархабо Мухаммадовна БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС МАСАЛАЛАРИ.....	539
84. Дилфуза Содиқова ТАЛАБАЛАРДА ИЖОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.....	544
85.Салаева Лайло Шавкатовна ЁШ РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВ САЛОҲИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	549
86.Махмудов Азамжон Мухторович ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ.....	555

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Амонова Хикоят Иноятовна

Бухоро давлат тиббиёт институти
“Тиббий кимё” кафедраси доценти, т.ф.н.

Содиқова Сусана Шавкиевна

Бухоро давлат тиббиёт институти
“Тиббий кимё” кафедраси катта ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ: ОБЪЕКТИВ РЕАЛИК ВА ЮКСАЛИШ САРИ

For citation: H.I. Amonova, S.Sh. Sadikova Modular educational system in higher education institutions: objective reality and increasing. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 2020 Journal of innovations in pedagogy and psychology 2020. pp. 488-493



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-SI-2-75>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, шунингдек ушбу тизимнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар хусусида маълумот берилган. Модулли таълимга ҳамда ушбу таълим тизимига ўтишнинг ижобий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар. Таълим тизими, жаҳон таълим стандартлари, баркамол инсон, педагогик ва ахборот технологиялари, модул тизими.

Амонова Хикоят Иноятовна

к.т.н., доцент кафедраси «Медицинской химии»
Бухарского государственного медицинского института

Содиқова Сусана Шавкиевна

старший преподаватель кафедраси «Медицинской химии»
Бухарского государственного медицинского института

МОДУЛЬНАЯ СИСТЕМА ОБРАЗОВАНИЯ В ВУЗАХ: ОБЪЕКТИВНАЯ РЕАЛЬНОСТЬ И ПРИУВЕЛИЧЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается совершенствование системы образования в нашей стране, а также проводимые всесторонние реформы для его соответствия на мировые стандарты и уделяется особое внимание на модульное обучение и на успешность перехода на эту систему обучения.

Ключевые слова: система образования, мировые стандарты образования, совершенно развитый человек, педагогические и информационные технологии, модульная система.

Amonova Hikoyat Inoyatovna

Associate Professor of the Department of Medical Chemistry,
Bukhara State Medical Institute, Ph.D.

Sadikova Susana Shavkievna

Senior Lecturer, Department of Medical Chemistry,
Bukhara State Medical Institute

MODULAR EDUCATIONAL SYSTEM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS: OBJECTIVE REALITY AND INCREASING

ANNOTATION

In this article described advancement of educational system in our country as well as conducted comprehensive reforms for its conformity to the global standards, moreover, essential attention is given to modular training and success of transition to this training system.

Keywords: educational system, global education standards, perfectly developed man, pedagogical and information technologies, modular system.

Маълумки, ҳозирги кунда жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув жараёни жадал кечаётган бир даврда халқаро малака талабларига мос рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни ва илмий-методик базасини мустаҳкамлаш, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси [4], ЮНЕСКО нинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати [5], Европа олий таълим муассасалари сифатини бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болонья декларацияси дунё миқёсида таълим сифатини оширишда муҳим ўрин эгалламоқда. Олий таълим асосий расмий хусусиятларига кўра, ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси томонидан 1997 йилда қабул қилинган Таълимни Халқаро Стандарт таснифлаш (ТХСТ) томонидан тавсия этилган стандартларга жавоб беради. Мазкур ҳужжатларга биноан, олий таълим мазмуни ва сифатини халқаро даражага кўтариш, модулли таълимни ташкил этиш, замонавий педагогик ва ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан бўлажак ўқитувчилар компетентлигини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий индустриал дунёга қўшилишга интилиши ундан тез ўзгариб турувчи меҳнат бозори эҳтиёжларига мослашишга қодир бўлган олий таълим тизимини яратишни қатъий талаб қилди. Олий ўқув юртлигини ривожлантириш ва улар томонидан сифатли таълим хизматлари кўрсатилишини рағбатлантирувчи рақобатни кучайтириш заруратга айланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847-сон Фармони [1] асосий ўрин эгаллайди. Белгиланган вазифалар доирасида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш, шунингдек халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор

стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш кўрсатиб ўтилди.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига жуда яхши мослашиши бир қатор тадқиқотларда ўз аксини топган.

Модулли ўқитишнинг назарий асослари XX аср 60-70 йиллар чегарасида америкалик мутахассис олим Курч Голдшмидт, Рассел ва бошқалар томонидан яратилган. Бу каби олимларнинг илмий изланишлари натижасида “ўқитиш жараёнининг илмий-техник тараққиёт даражасидан орқада қолишнинг асосий сабаби – ўқув дастури, ҳужжатларнинг фан-техника ютуқлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллашувига мос равишда такомиллашиб бормаётганлигидадир”, деган хулосага келинган. Шу билан бирга, ўқув-дастурий ҳужжатларни модулли қоида асосида тузиш таълим жараёнини жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири эканлиги ҳам таъкидланган.

Модулли ўқитиш технологияларига қаратилган Н.В. Бородина, И.М. Махмутов, С.А.Самойлова, В.В.Шоган, Г.К. Селевко, Н.Х. Авлиёкулов Л.Ф, Ибатулина, В.М.Зимин, Н.Азизходжаева [6], М.Очилов [7], Б.Л.Фарберман [8], В.П.Беспалько [9], Ж.Ф.Йўлдошев [10], С.А.Усмонова [10], Ў.К.Толипов ва М.Усмонбоева [11] каби педагог-олимларнинг илмий тадқиқотларида мазкур мавзунинг илмий жиҳатдан ўрганиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотларда педагогик технологиялар, модулли ўқитишнинг моҳияти, тамойиллари ва модулли технология асосида назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш усуллари каби масалалар ёритилган.

Тадқиқотчи В.В.Валетовнинг фикрича “Модулли таълим ўқув материални алоҳида ва ўзаро боғланган ўқув элементларига режали ажратиш, уларнинг ҳар бирини махсус ишлаб чиқилган ва мос равишда расмийлаштирилган ўқув масалалари билан таъминлашни ташкил қилишдир”. Бу тизим талабаларнинг тайёргарлик даражасини, уларнинг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, ўқув жараёнини индивидуалантиришга имкон яратади.

Тадқиқотчи С.Р.Мирзаева [12, Б.30] олий таълим муассасаларида модулли ўқитишнинг ўзига хослиги, унинг бошқа ўқитиш тизимларидан фарқини кўрсатиб ўтади. Унингча,

Биринчидан, модулли ўқитиш тизимида фанлар, фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлиги таъминланади;

Иккинчидан, ҳар бир модуль ичида ва улар орасида ўқув жараёни барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлиги ўргатилади;

Учинчидан, фаннинг модулли тузилиш таркибининг мослашувчанлиги таъминланади;

Тўртинчидан, талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат қилинади;

Бешинчидан, талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра, табақаланиши амалга ошади (дастлабки модуллардан сўнг ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуал ўзлаштиришни тавсия этиши мумкин);

Олтинчидан, ахборотни ихчамлаштириш натижасида ўқитиш жараёни жадаллашади ва ўқув вақти таркиби, маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатлар оптималлашади.

Таъкидлаш жоизки, модулли ўқитиш шароитида талабалар ўз вақтларининг катта қисмида мустақил ишлайдилар. Уларнинг мустақил таълим олишларининг асосий базаси ўқитувчи томонидан ташкиллаштирилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорда [3] “юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий педагогик кадрлар заҳирасини яратиш” каби вазифалар белгиланиб, бу борада бугунги кунда профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этади

[2]. Хусусан, модулли таълимни амалга оширишда айнан ижтимоий коммуникативлик асосий ўрин эгаллайди.

“Модул” лотинча сўз бўлиб, “қисм” ёки “бўлак”, “блок” деган маънони билдиради. Демак, модул–педагогик технологияни ташкил қилувчи, таркибий бўлакларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлаклар, яъни модуллар энг кичик бўлаклардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади.

Олий таълим тизимида модулли ўқитишга ўтишда асосан, қуйидаги мақсадлар кўзланади:

Биринчидан, ўқитишнинг (фанлар орасида ва фаннинг ичида) узлуксизлигини таъминлаш;

Иккинчидан, ўқитишни индивидуаллаштириш;

Учинчидан, ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;

Тўртинчидан, ўқитишни жадаллаштириш;

Бешинчидан, фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Шундай қилиб, модулли ўқитишда талабаларни ўз қобилиятига кўра, билим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Модулли ўқитиш тизими самарадорлиги, албатта бир неча омилларга боғлиқ бўлади.

Булар:

- ўқув муассасасининг моддий-техникавий базаси даражаси;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
- кўзланган натижаларни баҳолаш;
- дидактик материаллар ишлаб чиқиш;
- натижаларнинг таҳлили ва модулларни оптималлаштириш.

Халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланишида, шунингдек хорижий талабалар учун «Study in Uzbekistan» («Ўзбекистонда таҳсил ол») лойиҳасини амалга оширишда олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимида босқичма-босқич ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга.

Шуни унутмаслик лозимки, модулли ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этишнинг барча шакллари, усуллари, методлари, технологиялари бир-бирини тўлдириб боради. Бундай ҳолатда талабалар билан яккама-якка, жуфтликларда, гуруҳ бўлиб ҳамкорликда ишлаш ҳам амалга оширилади.

Модул технологиясининг моҳияти, таълим жараёнини модуллар асосида лойиҳалаштиришдан иборатдир.

Олий таълим муассасаларида модулли ўқитишнинг бошқа ўқитиш тизимларидан фарқли ўзига хослигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ўқув жараёнининг мазмуни яқунланган мустақил блоklar сифатида намоён бўлиб, мазкур мазмунни ўзлаштириш таълим мақсадига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Дидактик мақсадлар талабалар учун шакллантирилиб, нафақат ўзлаштириладиган ўқув материаллари кўлами, балки уни ўзлаштириш даражасини ҳам белгилаб беради. Шу билан бир қаторда ҳар бир талаба ўқитувчи томонидан қай даражада унумли ҳаракат қилиш, зарур ўқув материалларини қаердан топиш хусусида ёзма шаклда кўрсатма олади.

Иккинчидан, талаба ҳамда ўқитувчи орасидаги мулоқотнинг шакли ўзгаради. Айнан модуллар ўқув-тарбия жараёнини субъект-субъект муносабатлари асосида ташкил этиш имконини беради.

Учинчидан, талабалар ўқув жараёнида асосан мустақил ишлайдилар. Ўз фаолиятларини режалаштириш, мустақил ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолашга ўрганадилар. Ушбу ҳолат эса, талабаларга мазкур фаолият жараёнида ўз-ўзини англаш имконини беради. Эндиликда улар ўзлаштирган билим даражасини мустақил аниқлайдилар,

ўз билим, кўникмалари орасидаги бўшлиқни кўра оладилар. Энг асосийси, ушбу бошқарув муайян мақсадга йўналтирилган бўлади.

Тўртинчидан, ёзма тарздаги аниқ модуллар ўқитувчиларга талабалар фаолиятини индивидуаллаштириш имконини беради. Бу ўринда, яқка тартибдаги маслаҳатлар бериш, ёрдам кўламини кенгайтириш масаласи назарда тутилмайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчилар модулли дастурга эга бўлишлари керак. Ушбу дастур мужассамлашган дидактик мақсадлар ва модуллар мажмуидан иборат бўлиши лозим. Мазкур модуллар кўйилган мақсадга эришишни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Бундай дастурни тузиш учун олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ўқув курсининг асосий илмий ғояларини ажрата олиши керак. Шундан кейингина ўқув мазмуни ва ўқув блоklarини мазкур ғоя атрофида таркиблаштириш талаб этилади. Шу асосда мужассамлашган дидактик мақсад шакллантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, модулли ўқитиш технологиясида талабалар ўз вақтларининг катта қисмида мустақил ишлайдилар.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. (Decree of the President "On approval of the Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030" dated October 8, 2019 No. DP-5847)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. DP-4947 “On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan”)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. DP-4947 “On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan”)
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси (1998 й.) (United Nations Declaration on Higher Education in the 21st Century: Approaches and Practical Measures (Paris, October 9, 1998)
5. ЮНЕСКОнинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий хужжати (1995 й.) (Reform and development of higher education. Program document. - Paris: UNESCO Publishing House, 1995)
6. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат – Т., 2006. 160 Б. (Azizhodzhaeva N.N. Pedagogical technologies and pedagogical skills. Т., 2006.160 P.)
7. Очилов М. «Янги педагогик технологиялар» / қўлланма. - Қарши: Насаф, 2000. 118 Б. (Ochilov M. New pedagogical technologies. Karshi: Nasaf, 2000.118 P.)
8. Фарберман Б.Л. «Прогрессивные педагогические технологии» - Т. 1999. (Farberman B.L. “Progressive pedagogical technologies” - Т. 1999); Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар - Т., 2001. Б.84 (Farberman B.L. Progressive educational technology. Т., 2001. 84 P.)
9. Беспалько В.П. «Слагаемые педагогические технологии». - М. Педагогика 1989.192 С. (Bespalko V.P. "Components of educational technology." - М. Pedagogy 1989.192 P.); Беспалько В.П. «Педагогика и прогрессивные технологии» - М. 1995. 412-с. (Bespalko V.P. “Pedagogy and advanced technologies” - М. 1995. 412 P.)
10. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонова С.А. Педагогик технологиялар асослари - Т., 2004. 119 бет. (Yuldashev Zh.F., Usmonova S.A. Fundamentals of educational technology - Т., 2004. 119 P)

11. Толипов Ў.К., Усмонбоева М.. Педагогик технологияларнинг таркибий асослари - Т., 2006. 261 бет. (Tolipov U.K., Usmonboeva M. .. The structure of educational technologies - T., 2006. 261 P.)
12. Мирзаева С.Р. Олий таълим муассасаларида модулли ўқитиш технологияларининг долзарблиги. //Таълим технологиялари / Педагогические технологии 2017 №5 28-32 бетлар. (Mirzaeva S.R. The relevance of teaching modular technology in higher education / Pedagogical technologies 2017 No. 5 28-32 pages)